

Жиззах шаҳар

28 январ 2022 йил

Жиззах вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи ташкилот директори вазифасини бажарувчиси **Х.Рахматов** ва Зомин туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи корхона директори **У.Буронов** мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган умумфойдаланувдаги маҳаллий аҳамиятга эга бўлган куйидаги автомобиль йўларида **қишки сақлаш ишларини** бажариш мажбуриятини олади:

- 1) 4к 238 "Даштобод ш.-Ём к.-Туркман к.-Ковункести к" автойули узунлиги 28 км, 0-28 км оралигига
- 2) 4к239 "Зомин ш.-Қаранчи к.-Жаркишлок к.-Суфикишлок к." автойули узунлиги 15 км, 0-15 км оралигига
- 3) 4к241 "Зарбдор темирйул станцияси-Аччи к - Корамозор к" автойули узунлиги 37км, 0-37км оралигига
- 4) 4к242 "Аччи к.-Толли к." автойули узунлиги 24км, 0-24км оралигига
- 5) 4к258 "Зомин шаҳарчасини айланиш автойули" автойули узунлиги 6км, 0-6км оралигига
- 6) 4к259 "Кукон-Жиззах" автойули-6-сон темир йул разъезди-Зомин к." узунлиги 17км, 0-17км оралигига

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материаларидан, ўзининг машина-механизмлардан, ўзининг асбоб-ускуналари билан бажаради.

1.4. Пудратчи томонидан ишларни бажариш куйидаги жадвал асосида оширилади:

Ишлар номи	Йул узун-лиги (км)	2022 йил (минг сумм)	1-чорак жами	шу жумладан		
				Январ	Феврал	Март
Кишки каров ишлари	123	100 000,0	100 000,0	50 000,0	50 000,0	
Шу жумладан ККС		13 043,478	13 043,478	6 521,739	6 521,739	

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **100 000 000 (Бир юз миллион)** сўмни ташкил килади.

2.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш пудратчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

3.1. Буюртмачи 10 (Ўн) банк қуни давомида ҳар ойда пудратчига шартномада кўрсатилган режалаштирилган ойлик иш ҳажми 40% миқдорида аванс бериш йўли билан тўловларини амалга оширилади. Кейинчалик ҳисбот ойининг яқуни билан шартнома назарда тутилган маблағлар доирасида ажратилади аванс тўловлари ҳар ой чегириб ташланган ҳолда амалда бажарилган ишларга ойма-оий молиялаширилади.

3.2. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амал килади.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

4.1.1. Автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш ишларини буюртмачи томонидан тасдикланган сметаларга мувофик автомобиль йўлининг бутун узунлигига бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари бўйича мунтазам равишда амалга ошириш.

4.1.1.1. Ер кўтармаси ва сув кетказиш тизими бўйича:

ажратилган минтакани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларни мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чикиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

кесилган колдикларни йигиштириб олган ҳолда ўтларни ўриб олиш ва буталарни кесиш, ножоиз ўсимликларни кимёвий усул билан йўқ килиш, йўл четларини чанг ва ифлосликлардан тозалаш;

сув кетказиши тизими мунтазам равища иш холатида саклаш, йўл четидаги арикларни ва сув кетадиган зовурларни тозалаш ва киялаб текислаш, уларнинг мустахкамланган жойлари нуксонларини тузатиш ёмғир канализацияси, дренаж курилмалари, кўприк ва кувурларнинг сув кириш-чикиш ўзанлари, тез оқар сув ўтказгичлар ва сув туширгичларнинг майда носозликларини бартараф этиш;

кўтарма ва ўймаларнинг нишабликлари носозликларини тузатиш ва текислаш (зарурият бўлса тупрок кўшган холда);

мустахкамланмаган йўл четларини киркиш, текислаш ва зичлаш, мустахкамланган йўл четларидаги бузилишлар ва шикастланишларни бартараф этиш;

белгиланмаган жойлардаги кириш ва чикиш жойларини тугатиш, ёзги трактор йўлларини куриш ва киялаб текислаш;

табий мухитни муҳофаза килишни таъминлаш чора-тадбирларини бажариш, автомобиль йўлларининг йўлоди тасмасини куриш ва белгилаш;

4.1.1.2. Йўл тўшамаси бўйича:

йўл копламасини чикинди, чанг ва ифлосликлардан, кор, муздан мунтазам равища тозалаш, бегона буюмларни йиғишириш, кум ва сирпанчикка карши аралашмалар сепиш йўли билан автомобиль йўлларининг катнов кисми музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумнинг терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш;

йўлларни чангизлантириш;

кабарикли ва кучсиз тупрокли йўл участкаларига караш (вактинчалик тўсиш ва харакатни тартибга солиш, шчиллар, тахталар, шох-шаббалар ва бошка материаллар билан ёпиш, шунингдек зарурияти бўлмаганда уларни йиғишириб олиш);

локал карталар билан майда заррали юза катлам воситасида ёриклар ва ёрикларнинг тўрлари кучайишининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш;

цемент-бетон копламалар плиталарининг парчаланган ва синган жойларини юза емирилишлардан таъмирлаш;

шағалли, чакик тошли ва тупрокли копламаларнинг кесимини тўғрилаш;

4.1.1.3. Сунъий иншоотлар бўйича:

кўприк кўтармаси элементларини, фермасти майдончаларни, таянч кисмларни, оралик курилмалар элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, кувурлар, тоннеллар ва бошка иншоотларни чанг ва ифлосликтан тозалаш;

конуслар, нишабликлар, кўприкости ўзанларни, шунингдек сув ўтказиши кувурларнинг ўзанларини ва кувурлар устидаги кўтармалар нишабини тозалаш (шу жумладан, ўсимликлардан тозалаш);

тошкин сувларини ўтказиб юбориш, кор ва музни йиғишириб олиш, тозалаш иншоотларига караш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль йўллари ва иншоотларини сув тошкинидан химоя килиш, тикилиб колган жойларни тозалаш, тошкинга карши тадбирлар;

таянчлар ва оралик курилмаларнинг металл конструкциялари элементларини кисман бўяш, нуксонли михпарчинларни алмаштириш, болтларни тортиш, металлдаги ёрикларни таъсир кўрсатмайдиган холатга келтириш, тўсинларнинг темир-бетон плиталар билан бирлашадиган жойларини ва ферма боғламларини тиклаш;

тоннеллардан хавфсиз фойдаланиш учун локал участкаларда тоннелларнинг шикастланган копламаларини ва сув кетказиши новлари, гидроизоляция, вентиляция ва ёритиш тизими, ёнғинни ўчириш, аварияга карши ва бошка техник курилмалар шикастланишларини бартараф этиш;

кўприк кўтармасининг барча элементларини ҳамда кўтарма билан туташиб кетадиган зонани, фермасти майдончаларни, таянч кисмларни, оралик курилмаларни, таянчларни, конуслар ва бошкарувчи иншоотларни, бориш жойлари ва тахта зиналарни кор ва муздан тозалаш;

4.1.1.4. Автомобиль йўлларини жиҳозлаш ва харакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

белгиларга караш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш ва етишмаётганларини янгидан ўрнатиш;

автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, ўналтирувчи курилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовкиндан химоя киладиган курилмаларни бўяглан холда озода ва тартибли саклаш, автомобиль йўлларини меъморий-бадиий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда караш, хожатхоналар, йўл-таъмирлаш пунктлари, йўл усталари уйларини тозалаш;

шийпончалар, ўриниклар, паннолар ва бошқаларни ўрнатиш ҳамда бўяглан холда озода ва тартибли саклаш, ичимлик сув манбалари ва артезан кудуклар казиш, уларни озода ва тартибли саклаш;

харакатни хисобга олиш пунктларини саклаш, тиклаш ва янгидан куриш, йўл конструкциясининг ва автомобиль йўли ишини ўрганиш учун зарур бўлган бошка курилмаларнинг, автомобиль йўлининг алоҳида элементлари ва иншоотларини холатини баҳолаш;

автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг баланс кийматига киритилган тарозида тортишни назорат килиш пунктларини, сув ўлчаш постларини, метеорологик пунктларни, об-хаво шароитлари ва харакат шарт-шароитлари мониторинг тизими, технологик ва сигнал берувчи-чакиравчиларни алокани, кабель тармоғини, шунингдек светофор объектларини, харакатни ташкил этиш воситаларини, харакатни диспетчер орқали ва автоматлаштирилган бошкарлиш воситаларини саклаш;

хизмат килиш муддатини ўтаб бўлган вертикал ва горизонтал йўл белгиларини, шу жумладан сунъий иншоотлар элементларидаги йўл белгиларини ўчириш, эскиргранларини тиклаш ва янгидан чизиш;

йўл тўсиклари ва ўналтирувчи курилмаларни тузатиш, автомобиль йўлини жиҳозлаш элементлари ва белгиларига караш;

автобус бекатлари, павильонлар, йўлкалар ва дам олиш майдончаларини кор ва муздан доимий равища тозалаш.

4.1.2. Ишларнинг натижасини ўз вактида буюртмачига топшириш.

4.1.3. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чикишга йўл кўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аникланган барча камчиликларни З (Уч) кун ичida текинга бартараф этиш.

4.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

4.1.5. Ишларни шахсан бажариш.

4.2. Пудратчи қўйидаги ҳуқукларга эга:

4.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларини тухтатиш, шартномани бекор килиш ҳуқукига эга.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.3.1. Пудратчидан ойлик ишлар тугалланганлиги ҳакида хабарнома олгандан кейин З (Уч) кун ичida ишларнинг натижасини кўриб чикиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чикишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аникланганда, булар ҳакида пудратчига дарҳол ҳабар бериш.

4.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул килган пайтдан мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

4.4. Буюртмачи қўйидаги ҳуқукларга эга:

4.4.1. Ҳар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.

4.4.2. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб китобларидан аникланган камчиликлар натижасида Буюритмачига кайтариладиган маблаг ва бошка толовлар буйича мажбуриятларни уз вактида бажармаса, Буюритмачи ушбу маблагни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиши ҳуқукига эга.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳар бир ойда бажарилиши керак бўлган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 2 % микдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларни бузган тарафни етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

6. Форс-мажор холатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тезда ҳабар бериши лозим.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёnlарни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти Иктисодий судида кўриб чикишга топширадилар.

8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар кандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган холлардагина ҳакиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фукаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни коплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши,
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи кўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

- Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Шартномани бекор килишга карор килган тараф бошқа ёзма хабарнома юборади.

9. Яқуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳакиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага хукукшунос хулосаси ва тулов жадвали илова килинади.

10. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Пудратчи

Зомин ТЙФУК

(иш бажарувчи номи)

Адрес: Зомин тумани Мустакиллик кучаси
101 уй
Тел _____

X/R 22626000900395216001

Банк номи: ТИФ Миллий банк Жиззах бўлими
МФО: 00121
ИНН: 200336160
ОКОНХ: 61129

Буюртмачи

Жиззах вилояти АЙББ

Адрес: Жиззах ш. Пахтакор кучаси 10 уй
Тел : 8 372 222 22 17
Шх/в: 304510860084017045173118001
ИНН: 201988537
ОКОНХ: 97400
Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги
ЯФХ:23402000300100001010
Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош
бошкармаси хисоб китоб касса маркази
МФО: 00014
Жиззах вилоят ғазаначилик бўлинмаси
ИНН: 201122919

Х.Рахматов



У.Буронов



Х.Турғунов

4.1. Тарафларнинг таъсирларини тушуниш

4.1.1. Автомобил йуллари ва ўзгуриларни сайдо яшарни буюрмачи ташкотидо таъсирларни симасларга муродли автомобилда йўланинг бутун учунчага бутун йиғида ўзига берган элементлари ва иншотлари. Ўзига муносаби роҳчиза энгиза саларни.

4.1.1.1. Еркакларни сунг кетказиш тисими бўйича

жароидаги житеялар, буд чётларни, иншотникларни ва инжиратчилик саноатарни житеяларни тарзидаги оларни таъсирлаб бертибга сайдо, чиқмоғонларни ва бозига буомлардан тезлошада, тезлошада,

жондан таъсирларни ўзгаштириб оғзи худде ўзловчи уриб саноға ёз буталарни кессан, чиқсан ўзинчаликни симаси узуд бинан йўқ килти. Буд нечаранинг юнга инфосдинкларни таъсирлаб.